

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Fil. 46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

ХАМРАКУЛОВА ХУРШИДА КУВВАТОВНА

**XX АСР ЎЗБЕК НАСРИДА ҲАЁТ ВА ЎЛИМ МУАММОСИНИНГ
БАДИИЙ ТАЛҚИНИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

УЎК: 821.512.133-3:808.1(043.3)

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

Оглавление автореферата доктора филологических наук (DSc)

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Хамракулова Хуршида Кувватовна

XX аср ўзбек насрида ҳаёт ва ўлим муаммосининг бадиий талқини 5

Хамракулова Хуршида Кувватовна

Художественное толкование проблемы жизни и смерти в узбекской прозе
XX века 30

Khurshida Khamraqulova

Literary Interpretation of the Problems of Life and Death in the XXth Century
Uzbek Prose 66

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 70

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Fil. 46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

ХАМРАКУЛОВА ХУРШИДА КУВВАТОВНА

**XX АСР ЎЗБЕК НАСРИДА ҲАЁТ ВА ЎЛИМ МУАММОСИНИНГ
БАДИИЙ ТАЛҚИНИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Fil19 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме) веб-саҳифанинг www.til-adabiyot.fan.uz ҳамда “Ziyo Net” ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Норматов Умарали

филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қуронов Дилмурод Ҳайдаралиевич

филология фанлари доктори, профессор

Умуров Ҳотам Икромович

филология фанлари доктори, профессор

Каримов Баҳодир Нурметович

филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 27.06.2017.Fil. 46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44); e-mail: uztafi@academy.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «___» даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Назаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., академик

Р.Баракаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

Н.Ф.Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., академик

Кириш (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида бадий асарларга янгича ёндашиш, сўз санъати тарихига дахлдор масалаларни тадқиқ этиш ва ҳаққоний ёритиб бериш, бадий матнни специфик масалалар доирасидагина эмас, балки фалсафий, ижтимоий, психологик муаммолар кесимида ўрганиш, муайян бадий асарга турли ракурслардан қараш тенденцияси кучайди. Ана шундай масалалардан бири ҳаёт ва ўлим муаммосидир. Инсон ҳаёти, уни қамраб олган дунё, борлиққа муносабати янгилик эмас, аммо инсоннинг ўлимга муносабати масаласи ҳамма даврда ҳам баҳсталаб бўлган. Маълум бўлишича, ўлим ҳақидаги фикрлар бадий асарда тадқиқ қилинганга қадар инсониятнинг ўлимга қарашлари қадимдан у ёки бу шаклда мавжуд бўлган. Илмий истилоҳ сифатида фанда қўлланувчи “танатология” (ўлим билан шуғулланувчи соҳа) атамаси қадимги юнон мифологияси билан боғлиқ. XX асрга келиб бир қанча фанлар танатологияни асос қилиб олиб, ҳаёт ва ўлим мавзусига ёндашди. Бошқа фанлардан фарқли равишда адабиётшуносликда танатологиянинг бадий адабиётга эстетик таъсири масаласи ўрганилади. Бадий асарнинг адабий-эстетик нуқтаи назаридан тадқиқи мазкур муаммонинг адабий-эстетик категория сифатида ўрганишни тақозо қилади.

Жаҳон адабиёти ва фалсафасидаги тириклик, ўлим ҳамда унинг моҳиятини ёритишга бағишланган кўплаб тадқиқотлар, аввало, мавзунинг умумбашарий назарий ва амалий аҳамиятидан далолат берса, ҳаёт ва ўлим муаммосининг турли фан соҳаларида муайян ракурсларда ўрганилиши ушбу йўналишда танатология ва биоэтика каби янги фан тармоқларининг юзага келишига ҳам асос бўлмоқда. Шунингдек, XX аср жаҳон илм-фани ва маданияти тамаддунига алоҳида ҳисса бўлиб қўшилаётган ҳаёт ва ўлим муаммосининг турлича талқинлари фанлараро интеграция жараёнларига ижобий таъсир қилаётганлиги муаммо нақадар серқирра эканлигини яна бир қарра тасдиқласа, бадий асарларнинг ҳаёт ва ўлим муаммоси нуқтаи назаридан алоҳида категория сифатида ўрганилиши адабиётшуносликда адабий-эстетик категориялар сифатини янада янгилашга хизмат қилиши ҳам шу қадар шубҳасиздир. Ҳаёт ва ўлим категорияси доирасида инсон табиатидаги яратувчилик ва бузғунчилик кучлари, унинг генетик ва психологик илдизлари, шахс ва жамият, инсон ва муҳит муносабатлари, руҳий эврилишларда ижтимоий муносабатларнинг роли, худкушлик ва падаркушликка олиб келувчи омиллар мавжудлиги эса мавзунинг долзарблигини янада оширади.

Мустақиллик йилларида ўзбек адабиётшунослигида мавжуд илмий анъаналар билан бир қаторда дунё адабиётшунослигидаги янгича услуб ва ёндашувларга ижодий ёндашиш ва уларни тадқиқотларда фаол қўллаш тамойили шаклланди. Зеро, “Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт”лиги адабиётшунослик фани олдига ҳам назарий андозаларни жаҳон андозалари даражасига юксалтириш

мажбуриятини қўяди¹. Шу жиҳатдан қаралганда ҳаёт ва ўлим муаммосини адабиётшуносликда адабий-эстетик категория сифатида ўрганиш мазкур ишнинг долзарблигидир. Тадқиқотда муаммони лингвистик концепт сифатида эмас, адабий категория доирасида ўрганишимиз ҳам ҳаёт ва ўлим муаммосининг ўзгариши, ривожланиши, ўзаро алоқадорлиги ва узвий боғлиқлиги, муаммонинг босқичлараро ўхшаш ва фарқли томонларини камраб олганимиз туфайлидир. XX аср ўзбек адабиётида ҳаёт ва ўлим муаммосининг бадиий талқинига оид шахс фожиаси илдизлари ва инсоннинг ўлимолди қиёфалари ифодаси маромига етказиб тасвирланган асарлар мавжудлиги мавзунини махсус тадқиқ этиш имконини беради. Шу нуқтаи назардан инсон ҳаёти, қисмати, шахсияти, табиати, руҳияти билан боғлиқ соф инсоний, табиий муаммоларни ўрганиш бугунги миллий адабий жараённинг ўзига хос хусусиятларидан эканлиги шўро даври ва мустақиллик даври адабиёти қиёси асосида ёритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ – 4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ – 4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ – 2789 сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ – 3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи². Инсониятнинг азалий муаммоси бўлмиш ҳаёт ва ўлимнинг фалсафий талқинлари, унинг бадиий адабиётда акс этиш хусусиятларини ўрганиш нечоғли қадимий бўлмасин, у ҳозирга қадар қатор хорижий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь. - №258(6952).

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.harvard.edu; universityofcalifornia.edu; mesas.emory.edu; tuhat.helsinki.fi; www.britanisa.com; HRC@warwick.ac.uk; www.michigan.uni.edu; <https://asiacentrale.revues.org/2919>; <https://www.dissercat.com>; www.uni-bonn.de; <http://www.elsu.ru> ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

олимлар томонидан тадқиқ этилмоқда. Жумладан, University of California, University of Indiana, University of Michigan, Harvard University, Emory University (АҚШ), Istanbul Üniversitesi, Ankara Üniversitesi (Туркия), Universität Humboldt, Universität Bonn, Universität Frie (Германия), Россия давлат савдо-иқтисодиёт университети, И.А.Бунин номидаги Елец давлат университети (РФ), University of Helsinki (Финландия), Tokyo University (Япония), The Humanities Research Centre of the University of Warwick (Буюк Британия), Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети (Ўзбекистон) каби университет ва илмий марказлари филологларнинг изланишлари характерлидир.

Жаҳон адабиётшунослиги, фалсафаси ва социологиясида ҳаёт ва ўлим муаммоси турли аспектларда ўрганилган. Хусусан, ўлим ва уни юзага келтирувчи омиллар фалсафанинг ўлим ва мангулик категорияси нуктаи назаридан тадқиқ қилинган Л.Е.Балашовнинг «Ҳаёт, ўлим, мангулик» номли докторлик диссертацияси ҳаёт – ўлим – мангулик учлиги, мангуликнинг турли динлардаги талқини, фалсафа, антифалсафа ҳамда антимаданиятда ўлим каби муаммолар ечимига бағишланган. (Россия давлат савдо-иқтисодиёт университети, Россия); Nakola, O.J. ва Kivistö таҳрири остидаги «Адабиётда ўлим» номли тўпламга киритилган тадқиқот ишларида Фарб адабиёти мисолида ҳаёт, ўлим ва мангулик, ўлим манзаралари, адабиётда худкушлик ва эвтаназия, ажалнинг яқун эмаслиги каби масалалар ёритилган (University of Helsinki, Finland); япон олими Mitsuyoshi Numanonинг «Рус адабиётида ҳаёт ва ўлим» номли тадқиқотида Ф.Достоевскийнинг «Ака-ука Карамазовлар», «Телба» каби асарларининг япон адабиётидаги ҳаёт ва ўлимнинг бадиий талқинига бўлган таъсири масалалари ўрганилган; Lucy E. Frank таҳрири остида чоп этилган «XIX аср Америка адабиёти ва маданиятида ўлимнинг ифодаланиши» номли тўпламдан жой олган тадқиқотларда аза тутиш билан боғлиқ маросимлар, элегия (аза кўшиқлари), ўлиш маданияти каби муаммолар XIX аср Америка адабиёти ва маданияти мисолида тадқиқ этилган (The Humanities Research Centre of the University of Warwick, Буюк Британия).

XX асрнинг охириги ўн йиллиги ва XXI асрда жаҳон илм-фанининг фалсафа, психология, социология, антропология, медицина, маданиятшунослик, этнология, этнография, тилшунослик ва адабиётшунослик йўналишлари бўйича ҳаёт ва ўлим муаммосига оид кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳаёт ва ўлим муаммосини тилшуносликнинг турли сатҳлари бўйича концепт тарзида талқин қилиш ва баҳолаш (тилшуносликда), муайян ижодкор асарларини айна муаммо остида текшириш ва ижодкор концепциясини белгилаш (адабиётшуносликда), ўлимни фалсафий категория нуктаи назаридан талқин қилиш, ўлимнинг инсон ҳаётидаги ўрнини аниқлаш (фалсафада), инсоннинг ўлимга муносабатини мифлар ва урф-одатлар мисолида ойдинлаштириш, ўлимни

феномен ва концепция тарзида тақдим қилиш (этнография, этнология ва маданиятшуносликда), ўлим ва унга олиб борувчи омилларни энциклопедик тарзда ўрганиш билан бу мавзунинг барҳаётлигини таъминлаш (социологияда) каби устувор йўналишлар кузатилмоқда. XX – XXI асрлар тадқиқотлари, илмий-назарий тажрибалари XX аср ўзбек насрида ҳаёт ва ўлим муаммосини категория тарзида ўрганиш ва ўзига хосликларини аниқлаш имконини беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XX аср ўзбек адабиётшунослигида насрий асарлар ривожланиш тамойиллари тадқиқига бағишланган кўплаб тадқиқотлар яратилди. Жумладан, А.Алимухамедов, Н.Шодиев, М.Абдурахмонова, И.Мирзаев, И.Самандаров, Ҳ.Каримов, Д.Тўраев, Т.Қурбонов, Д.Алиева, Ш.Исаева, Б.Каримов, А.Расулов тадқиқотларида XX аср ўзбек адабиётидаги муҳим масалалар илмий тадқиқ қилинган¹. Лекин XX аср ўзбек адабиётида ҳаёт ва ўлим муаммосининг бадиий талқинлари махсус ўрганилган эмас. Бироқ, Д.Мельников ва Л.Чернаяларнинг “Империя смерти”, Ф.Арьеснинг “Человек перед лицом смерти”, Ж.Годфруанинг “Что такое психология” асарларида², О.Галактионованинг “Самоубийство в английской литературе 20-го века”, П.Новикованинг “Пространство смерти” в европейской литературе XX века: И.Шмелев, Б.Виан, В.Шаламов, А.Солженицын, Ф.Ксенакис”, К.Нагинанинг “Образно-смысловая оппозиция “жизнь” и “смерть” в произведениях Л.Н.Толстого 1880-х годов”, В.Лебедеванинг “Мотив метафизической смерти в русских романах”, Т.Сафонованинг “Оппозиция жизнь/смерть в творчестве А.А.Фета” диссертацияларида³ ва “Тема смерти и духовным опыте человечества”

¹ Алимухамедов А. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида одам образи: Филол. фан. канд... дисс. – Тошкент, 1948. – 151 б.; Шодиев Н. Абдулла Қаҳҳорнинг психологик таҳлил маҳорати (“Сароб” ва “Синчалак” асарлари асосида): Филол. фан. канд... дисс. – Тошкент, 1973. – 196 б.; Абдурахмонова М. Абдулла Қодирийнинг психологик тасвир маҳорати: Филол. фан. канд... дисс. – Тошкент, 1977. – 141 б.; Мирзаев И. Янгича тафаккур ва ҳозирги ўзбек насрининг тараққиёт йўллари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1991. – 354 б.; Самандаров И. Ўзбек тарихий романларида тарихийлик: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1992. – 145 б.; Каримов Ҳ. Ҳозирги ўзбек насрида ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси (70 – 80-йиллар): Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1994. – 320 б.; Тўраев Д. Ҳозирги ўзбек романларида бадиий тафаккур ва маҳорат муаммоси (60-80-йиллар): Филол. фан. д-ри ... дисс. – Т.: 1994. – 312 б.; Қурбонов Т. Одил Ёқубовнинг портрет яратиш маҳорати: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1997. – 167 б.; Алиева Д. Эволюция поэтического мира Чингиза Айтматова (категория смерти, категория возраста): Дисс... канд. филол. наук. – Тошкент, 1998. – 125 с.; Исаева Ш. Ўзбек тарихий романларида характер рухиятини тасвирлаш усуллари: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2001. – 128 б.; Расулов А. Ҳозирги ўзбек адабий танқидчилигида таҳлил ва талқин муаммоси (XX асрнинг 80-90-йиллари асосида): Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2002. – 275 б.

² Мельников Д. Черная Л. Империя смерти. – М.: Изд. полит. лит-ры. – 1989. – 413 с.; Арьес Ф. Человек перед лицом смерти. – М.: “Прогресс”-“Академия”, 1992. – 528 с.; Годфруа Ж. Что такое психология. В 2-х томах. Том 2. – М.: Мир, 1992. – 370 с.

³ Галактионова О. Самоубийство в английской литературе 20-го века: Дисс... канд. филол. наук. - Великий Новгород, 2005. – 217 с.; Новикова П. “Пространство смерти” в европейской литературе XX века: И. Шмелев, Б. Виан, В. Шаламов, А. Солженицын, Ф. Ксенакис: Дисс... канд. филол. наук. - Самара, 2005. – 221 с.; Нагина. К Образно-смысловая оппозиция “жизнь” и “смерть” в произведениях Толстого 1880-х годов: Дисс... канд. филол. наук. - Воронеж, 1998. – 213 с.; Лебедева В. Мотив метафизической смерти в русских романах В.Набокова: Автореф. дисс... канд. филол. наук. - Елец, 2009. – 23 с.; Сафонова Т. Оппозиция жизнь/смерть в творчестве А.А.Фета: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Орел, 2008. – 23 с.

интернет сайтларидан олинган манбаларда¹ жаҳон адабиётшунослигида бу борада амалга оширилган ишлар ҳақида муфассал маълумот олиш мумкин.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг “Филологиянинг долзарб масалалари” мавзусидаги илмий тадқиқотлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳаёт ва ўлим муаммосини адабий-эстетик категория сифатида аниқлаштириш, танатологиянинг XX аср ўзбек насрида тутган ўрнини кўрсатиш орқали тириклик ва ўлим фалсафасининг ўзбек адабиётидаги илмий-назарий асосларини белгилашдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари. Асосий мақсаддан келиб чиқиб тадқиқот иши олдида қуйидаги илмий вазифалар қўйилди:

ҳаёт ва ўлим муаммосининг адабий-эстетик категория сифатидаги талқинини бериш, персонажни ўлимга олиб борувчи омилларга оид тамойилларни аниқлашда ёзувчи-давр-бадий қаҳрамон триосининг ўрнини белгилаш;

мумтоз адабиётда ҳаёт-мамот муаммоси талқинининг илмий-эстетик илдизларини ёритиш;

шахс фожиасининг юзага келишида инсон табиатидаги ожизликлар, чигал инсоний қисматлар, ижтимоий сабаблар ортида пайдо бўлган руҳий пўртаналарни кўрсатиш, суицидлик ҳодисаси – эгоистик-аномик худкушликнинг миллий адабиётдаги ифодасини ёритиш;

падаркушлик муаммосини юзага келтирган ижтимоий-психологик асосларнинг бадий адабиётдаги ифодасини ёритиш орқали ижод назариясига оид илмий-назарий умумлаштирмалар чиқариш;

бадий адабиётда инсоннинг ўлимга ва ҳаётга муносабати қай ҳолда ёритилганлигини тадқиқ қилиш орқали танатология ва адабиётшунослик ўртасидаги муштаракликни XX аср ўзбек адабиётига хос умумий ва хусусий ҳолатлар асосида илмий далиллаш;

Тадқиқотнинг объекти. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, Меҳробдан чаён”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб”, О.Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси”, “Кўхна дунё”, Тоғай Муроднинг “Бу дунёда ўлиб бўлмайдими” каби романлари тадқиқотнинг асосий объектлари қилиб олинган бўлса, XX аср ўзбек адабиётида жиддий ҳодиса бўлган ҳаёт ва ўлим масалалари бадий тадқиқ этилган асарлар: Абдулла Қаҳҳорнинг ўлим мотиви акс этган ҳикоялари, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи, “Қурбони жаҳолат”, “Доктор Муҳаммадиёр” ҳикоялари, Фитратнинг “Мунозара”, “Ҳинд сайёҳи баёноти” публицистик асарлари, “Қиёмат” ҳикояси, Ойбекнинг “Қутлуғ қон”, Улуғбек Ҳамдамнинг “Сабо ва Самандар” романлари, Қўчқор Норқобилнинг “Дарё ортидаги йиғи”, Назар Эшонқулнинг “Уруш одамлари”

¹ Фигуры Танатоса. №3, специальный выпуск: Тема смерти в духовном опыте человечества. Материалы первой международной конференции. – СПб.: издательство СПбГУ, 1993 (Интернет сайтларидан қаранг: <http://www.psyline.ru>; <http://www.hrono.ru>; <http://antropology.ru>).

киссалари, Назар Эшонқулнинг “Тобут”, “Очилмаган эшик”, “Шамолни тутиб бўлмайди”, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Жимжитхонага йўл”, Саид Аҳмаднинг “Сағана”, Зулфия Қуролбой қизининг “О, ҳаёт”, “Ҳилола”, “Ҳолиқ амаки”, “Аёл” каби ҳикоялари танлаб олинди. Юқорида тилга олинган асарлар ҳақида яратилган тадқиқот, рисола ва мақолалардан ёрдамчи манба сифатида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг предметини ҳаёт ва ўлим муаммоси адабий-эстетик категория сифатида XX аср ўзбек адабиётида муҳим ўринга эгаллиги; соцреализм ақидаларига зид шахс фожиаси талқинларининг намоён бўлиши, худкушлик ва падаркушлик масаласи, танатопсихологик таҳлилнинг XX аср ўзбек насридаги талқини каби хусусиятлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тарихий-қийсий, аналитик ва психоаналитик таҳлил методлари тадқиқотнинг таҳлил усули сифатида белгиланди. Ижодкор шахсиятидаги айрим ҳолат-хусусиятларнинг адабий асарларга кўчиши, бадиий ифода ва услуб масалаларини белгилашда биографик метод имкониятларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XX аср ўзбек насрида ҳаёт ва ўлим муаммосининг бадиий талқини адабий-эстетик категория сифатида асосланган;

тириклик ва ўлим чегарасидаги инсоннинг ўлимолди ҳолатларининг бадиий тадқиқи натижасида персонажни ўлимга олиб боровчи ижтимоий-психологик омиллар далилланган. Шу орқали ёзувчи ижод концепциясига оид тамойиллар очиб берилган ва ёзувчи позициясининг адабий-эстетик ўрнига урғу берилган;

персонаж ўлимолди вазиятларининг бадиий талқинини бериш орқали муаммонинг худкушлик ва падаркушликка оид адабий-эстетик ва ижтимоий-психологик сабаблари аниқланган;

XX аср ўзбек насрида ҳаёт ва ўлим масалаларини илмий-назарий жиҳатдан очиб бериш натижасида муаммонинг умумбашарий аҳамияти кўрсатиб берилган;

мустақиллик даври адабиёти ҳаёт ва ўлим муаммосининг бадиий талқини борасида полисемантик хусусиятга эгаллиги насрнинг турли жанрлари мисолида ёритилган.

янги ўзбек адабиётида ҳаёт ва ўлим муаммосининг турли талқинлари юзага келганлиги жаҳид адабиёти, шўро адабиёти, мустақиллик даври адабиёти мисолида босқичма-босқич асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ҳаёт ва ўлим муаммоси адабий-эстетик категория сифатида XX аср ўзбек адабиётида муҳим ўринга эгаллиги белгиланган;

бадиий адабиётда қаҳрамоннинг ўлими тасвирлари ҳамиша ҳам ижодкор эркинлиги билан юзага чиқмаганлиги, шўро даври адабий сиёсати ўлим тасвири ва талқинида ўз асоратларини қолдирганлиги, шунга қарамай, айрим бадиий асарлар соцреализм қобиғини ёриб чиқа олганлиги аниқланган;

Абдулла Қодирий романларида ҳаёт ва ўлим муаммосига миллийлик ва ислом дини аҳкомларидан келиб чиқиб ёндашилганлиги, бу тамойилнинг ёзувчи шахсиятига сингиб кетган менталитет билан алоқадорлиги қиёсий таҳлиллар асосида кўрсатилган;

Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романида соцреализм ақидаларига зид шахс фожиаси талқинларининг намоён бўлиши, худкушликнинг юзага келиши шахс табиати ва ижтимоий муносабатларнинг ўрни билан боғлиқ эканлигининг ғоят таъсирчан ва теран таҳлил этилиши “Сароб” романининг жиддий ютуғи эканлиги қайд этилган;

Одил Ёқубов ижодида танатопсихологик таҳлилнинг бетакрор ифодаси ўлароқ ўлимолди ҳолатлари маромига етказиб тасвирланганлиги, падаркушликни юзага келтирган омиллар, Мирзо Улуғбек фожиаси, Улуғбек ва Абдуллатиф зиддиятининг сабаби ота-ўғил муносабатидаги номувофиқликлар ва оиладаги нотўқис тарбия оқибати эканлиги; Улуғбек фожиасида улуғворлик, Абдуллатиф фожиасида тубанликнинг акс этишида ўлим мавзусининг киритилиши ўзига хос критерийга эгаллиги асосланган;

“Кўхна дунё” романи воқеаларида ҳаёт ва ўлим муаммосининг чегара билмаслиги, ёзувчи ҳаёт ва ўлим фалсафасининг инсон тушунчаси ва англамларидаги ўрнини белгилашда ёзувчи анча шафқатсиз усулни, яъни инсоннинг ўлим билан юзма-юз ҳолатини танлаб, шу орқали ўлим жисмоний яқун эмас, ўлим – ҳаётнинг қимматини белгиловчи мезон, ўлим – ҳаёт гўзаллиги кашфиёти, ўлим туфайли боқий дунёга ҳар ким ўз даражасида кадам қўйиши каби абадий ҳақиқатни уқтира олганлиги аниқланган;

мустақиллик насрида ҳаёт ва ўлим муаммосига кутилмаган, янги тамойиллар билан ёндашишнинг устувор бўлиб бораётганлиги, инсон ҳаёти, қисмати, шахсияти, табиати билан боғлиқ соф инсоний, табиий муаммоларга қизиқиш бугунги миллий адабий жараённинг характерли хусусиятларидан эканлиги белгиланган;

ҳаёт-мамот жумбоғини фақат ижтимоий омиллардан қидириш сўз санъати имкониятларини чеклаб қўйиши; ўлим нафақат табиий яқун, балки тафаккур маҳсулининг интиҳоси тарзида ҳам талқин қилинганлиги; ўлим дунёни англаш воситаси эканлиги қиёсий аспектда ёритилган;

Тоғай Мурод талқинида коммунистик мафкура билан қуролланган, унинг ғояларини ўзига сингдириб олган одамнинг ўлим олдидаги ачинарли ҳолати атеистик тарғиботнинг натижаси эканлиги, асарда ўлимдан кейинги ҳаётни ғира-шира тасаввур қилаётган, тириклик ва ўлим чегарасида сарсон инсон фожиасига ишора орқали муайян даврга ҳукм чиқарганлиги асосланган;

ҳаёт ва ўлим билан боғлиқ муаммо ҳамма давр учун хослиги, фақат ифода, талқин бобида ижодкор нуқтаи назари билан ранг-баранглик касб этиши, бадиий адабиётда ҳаёт ва ўлимга мурожаат ўқувчи қалбини тозаловчи, омонат дунёда инсон деган шарафли номга лойиқ бўлиб яшашликнинг адабий-эстетик омили эканлиги кўрсатиб берилган;

ҳаёт ва ўлимни англаш, уни талқин қилишда шахс яшаётган жамият билан баробар ундаги эътиқод, диний тафаккур ҳосиласининг ҳам аҳамияти катта эканлигига эътибор қаратилган;

XX аср ўзбек адабиёти инсоннинг ҳаёт ва ўлим билан боғлиқ талқинларнинг турли босқичга эга бўлганлиги, бу босқичларда шахс-замон-ёзувчи учлиги ҳаёт ва ўлим муаммоси призмасидан ўтказилганлиги ва нуқтаи назарлар турли талқинларга эга бўлганлиги тадқиқот давомида изоҳлаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг тарихий-қиёсий, аналитик ва психоаналитик таҳлил, биографик метод каби усуллар орқали асослангани, ишончли назарий манбалардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. XX аср ўзбек адабиётида ҳаёт ва ўлим муаммоси адабий-эстетик категория тарзида ўрганилганлиги, ўлимнинг эстетик таъсири масалаларини ўрганиш алоҳида босқичларга эга бўлганлиги, ҳар бир даврда муаммони ўрганишнинг адабий-эстетик омиллари юзага келганлиги, ўлимнинг турли даврларда поэтик вазифа бажарганлиги тадқиқотнинг илмий аҳамиятини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Ишнинг амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, унинг натижалари ҳаёт ва ўлим категориясини фалсафа, психология, диншунослик фанларига ҳам самарали қўллаш имкониятини беради. Тадқиқот натижалари XX аср ўзбек адабиётида ижодкор шахсияти, адабий қаҳрамон ва услуб муаммоларига бағишланган, хусусан, ёзувчи ижодини унинг биографияси билан боғлиқликда текширувчи фундаментал тадқиқотлар яратишда назарий-амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Диссертация ишининг материали ва илмий хулосалари олий ўқув юртлари, умумтаълим мактаблари ҳамда академик лицейлар учун XX аср ўзбек адабиёти бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда, махсус курс ва семинарлар ташкил этишда манба бўлиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳаёт ва ўлим муаммосини адабий-эстетик категория сифатида ўрганиш, XX аср ўзбек насрида ҳаёт ва ўлим муаммосига концептуал ёндашиш, уни йигирманчи аср ўзбек адабиёти даврлари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, мазкур муаммонинг юзага келиш сабабларини аниқлаш, персонаж ўлимолди вазиятларининг бадиий талқини, худкушлик ва падаркушлик муаммоларининг бадииятда акс этиши нуқтаи назаридан тадқиқ этиш асосида:

XX аср шўро даври ва мустақиллик даври адабиёти намуналарини жаҳон адабиёти намуналари билан қиёслаб ўрганиш асносида шахс фожиаси ва ижтимоий-психологик мауммоларнинг умумий ва хусусий ҳолатларидан келиб чиқувчи типологияга доир хулосаларидан ФА – Ф1-Г040 “Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: типология ва адабий таъсир” фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2018 йил 16 августдаги 311255-2186-сон маълумотномаси). XX аср ўзбек насрида ҳаёт

ва ўлим муаммосининг бадиий талқинлари романлардаги ҳаёт ва ўлим масаласининг алоҳида назарий манба сифатида адабиётшуносликда ўрганилиши жоиз деган хулосаларга асос бўлган;

Ҳаёт ва ўлим муаммосининг ўзгариши, ривожланиши, ўзаро алоқадорлиги ва узвий боғлиқлиги, муаммонинг босқичлараро ўхшаш ва фарқли томонлари, падаркушлик ва худкушлик масаласининг бадииятдаги ечими унинг адабий-эстетик категория сифатида ўрганилишига асос бўлган хулосаларидан ОТ – Ф8-151 “Адабиёт энциклопедияси” нинг ҳаёт ва ўлим муаммоси билан боғлиқ бобида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 4 июлдаги 89-03-2517-сон маълумотномаси). Натижада XX аср ўзбек насрида ҳаёт ва ўлим муаммосининг тадқиқи унинг адабий-эстетик категория эканлиги ҳақида хулосаларга хизмат қилган;

XX аср бошларида истиқлол учун курашган жаҳид адабиёти вакиллари ва уларнинг асарлари ҳаёт ва ўлим категорияси нуқтаи назаридан ўрганилганда бу давр адабиётининг ижтимоий-психологик мазмун касб этгани, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ижтимоий концепция даражасига кўтарилганига оид хулосаларидан Ф-1-06 “Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези” фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 11 августдаги 89-03-2798-сон маълумотномаси). Натижада XX аср ўзбек насрида ҳаёт ва ўлим муаммосининг бадиий талқинини ўрганиш масаланинг табиий-биологик ва миллий-исломий талқинларига, шунингдек, ижтимоий-психологик жиҳатларига урғу бериш, персонаж ички оламини тадқиқ қилиш бўйича хулосалар чиқариш имконини берган;

Ўзбек адабиётида ўлим мавзусининг ўзига хос критерийларини очиқ беришда, жамият ҳаётидаги сиёсий ўзгаришлар одамларнинг ўлимга нисбатан онгида акс этувчи фикрлари ёзувчи – даври – бадиий асар триосида жам бўлиши ҳақидаги илмий-назарий хулосалардан АҚШнинг Атланта шаҳридаги Эмори университети Ўрта Шарқ ва Жанубий Осиё факультети Ислом цивилизациясини ўрганиш кафедрасида Ўрта Осиёлик аёл ёзувчиларнинг дин, оила ва жамиятга бўлган муносабатларини ўрганувчи илмий тадқиқотда фойдаланилган (Эмори университетининг 2018 йил 10 октябрдаги маълумотномаси). Унда даврга хос психологик эврилишларнинг тадқиқи адабиётни муҳим даврларга бўлиб ўрганишда, мавзу доирасининг индивидуал ҳолатдан жамиятга алоқадор концепция даражасига кўтарилиш омилларини тадқиқ қилишда, Ўрта Осиё аёл ёзувчилар ишларини Европа ва Шарқ анъаналари элементлари асосида қиёсан ўрганиш жоиз деган хулосаларга асос бўлган;

Жаҳид адабиётининг етакчи тенденциялари, шўро даври адабиётининг, хусусан, 20 – 30-йиллар қаттол сиёсатининг бадииятга таъсири масалалари ҳаёт ва ўлим муаммосини ўрганиш нуқтаи назаридан алоҳида босқичга кўтарилгани ҳақидаги илмий-назарий хулосалардан Баку Евроосиё университетининг Турк ва хорижий ўлка филологияси кафедрасида бажарилган фундаментал тадқиқотда фойдаланилган (Баку Евроосиё

университетининг 2018 йил 11 сентябрдаги маълумотномаси). Натижада дунё адабиёти тадрижини белгилашда, “Турк халқлари поэзияси архитектураси: шакл ва мазмун афзалликлари” мавзусидаги филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилаётган диссертацияни тайёрлашда, бадиий матнларда ҳаёт ва ўлим муаммосини аниқлаштиришда муайян хулосаларга келинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 11 илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 3 та халқаро ва 8 та республика илмий конференцияларида апробациядан ўтган.

Натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган хорижий нашрларда 3 та, шу мақомдаги республика журналларида 17 та, бошқа хорижий ва маҳаллий нашрларда 15 та мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, саккизта фаслни ўз ичига олган тўрт боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот ишининг ҳажми 250 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Ўзбек адабиётида ҳаёт ва ўлим категорияси илмий-эстетик муаммо сифатида**” деб номланган. Диссертациянинг “**Мумтоз адабиёт намуналарида ҳаёт ва ўлим муаммосига муносабат**” деб аталган биринчи фаслида ҳаёт ва ўлим масаласи мумтоз адабиётимиз намуналарида қандай ёритилгани асосий ўрин тутган. Буддавийлик динида ўлим одамзоднинг қайта-қайта дунёга келишига восита деб англаган. Бунинг учун буддавийликнинг тўрт муҳим босқичини билиш зарур бўлган. Бу тўртта босқични ўзида мужассамлантирган таълимот махаяна таълимоти бўлиб, биз бу таълимотнинг бадиий ифодасини “Олтин ёруқ” достонида учратамиз. Айниқса, “Шахзода ва барс” афсонасида буддавийликнинг моҳияти бўртиб кўринади.

Монийлик адабиётида, хусусан, “Хуастуанифт”да моддий оламдан ташқарида инсон учун давом этадиган ҳаёт борлиги ва одамзод шунга эришиш учун интилиши уқтирилади. Йигирма бешта йиғма матндан иборат бўлган мазкур асар банданинг Яратган қаршисидаги тавба-тазаррусидан

иборат. “Хуастуанифт”да инсоннинг ўлимдан кейинги ҳаётни ҳис қилиши, ўзини Яратганнинг маҳлуки деб ҳисоблаши, ниҳоят, ҳаёт ва ўлим Яратганнинг инъоми эканлигини билиши англашилади. Кўринадики, ўлим масаласига исломгача бўлган туркий адабиёт намуналари ичида монийлик оқидамида алоҳида эътибор қаратилган. Буни инсониятнинг худони англашга томон жиддий қадами бўлди дейиш мумкин. Дунё тамаддунида из қолдирган мамлакатлар бадиияти намуналарига назар ташланганда уларнинг адабий-эстетик тафаккур тарихида ҳаёт ва ўлим масаласи етакчилик қилган, маданият тамаддунига пойдевор бўлган.

Ўзбек адабиёти тарихининг асосий қисми ислом таъсири даврига тўғри келади. Бу давр адабиётида асосий эътибор комил инсон масаласига қаратилган. Мумтоз адабиётда ўлимга муносабат соф исломий талқинларга асосланганлиги учун уни абадий дунёга робита деб қаралади. Ҳаёт ва ўлим ҳақидаги илмий-назарий фикрлар Ислом динининг ривожланиши билан боғлиқ равишда Шарқда ўзига хос таълимотни – тасаввуф таълимотини яратди. Табиийки, Ислом даври ўзбек мумтоз адабиёти айна шу таълимот асосида тараққий қилиб борди. “Тасаввуф луғати”да ёритилишича, Нажмиддин Кубро “Усули ашъара” рисоласида ўлимни бешга ажратиб кўрсатган: 1. Мавти иродий. – инсоннинг борлиқ ва дунёвий нарсалардан тамоман халос бўлиши, яъни фанойи куллийга етишиши. 2. Мавти аҳмар – “қирмизи ўлим”. Бу нафснинг истакларига қарши тура олиш, чидамда уларни бартараф эта олиш демак. 3. Мавти абёз – “оқ ўлим”. Очлик йўли билан нафс ва таъмани забун айлаш. Шунда кўнгил покланиб, шаффофлик, яъни оқлик касб этади. 4. Мавти аҳзар – “яшил ўлим”. Ямоқдан кийим тикмак ва киймак. Чунки янги ва чиройли кийим ўзгаларнинг диққатини жалб қилурки, бу – шуҳрат нишонаси ҳисобланади. 5. Мавти асвод – “қора ўлим”. Бу қайғу ва мусибатларга таҳаммул этиш, халқу халойиқнинг ҳар қандай жабру жафосига чидашдир¹. Тасаввуф мафкурасининг ривожланишида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг бир қанча ҳадислари муҳим ўрин тутганлиги қайд этилади. Хусусан, “Муту қабла ан тамуту” яъни “Ўлмасдан бурун ўлинг” шундай ҳадислардан биридир. Сўфийлик тушунчасининг негизини ташкил этган бу каби ҳадислар Ҳақ ошиқлари учун илоҳий бир дастур ва амалий ҳаёт низомига айланган. Табиийки, мумтоз адабиётимизнинг сара намуналарида ҳам ўлим тушунчаси, аввало, нафс поклиги тушунчаси билан уйғун ҳолда талқин қилинган.

Туркий адабиётнинг йирик асари “Қутадғу билиг”да:

Нэку ул тириглик нэку-ул өлум,

Қайудын кэлир-мэ қайуқа йўлум (1121)² –

дея абадий муаммонинг асар асосига қўйилиши ҳам инсон учун ҳаёт ва ўлим муаммоси азалий мавзулардан эканини кўрсатади. “Қутадғу билиг”дан бошланган анъана, ўлимнинг якун ва фожиа эмас, балки абадий дунёга

¹ Чори Иброҳим. Тасаввуф луғати. / Тафаккур. 1998. 4-сон, 91-бет.

² Хос Ҳожиб Юсуф. Қутадғу билиг (Саодатга йўлловчи билим). (Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи филология фанлари кандидати Қ. Каримов). –Тошкент: Фан, 1972. – 220-б.

робита эканлиги, Яратганнинг васлига эришиш нафси енгиш орқали амалга ошиши ҳақидаги таълимот Аҳмад Яссавий ҳикматларида ҳам, Алишер Навоий асарларида ҳам ифодасини топди. Шу боис мумтоз адабиётда ўлим кўрқинчли эмас, уни асосий масала қилиб ёритиш ҳам шоирнинг муддаоси бўлмаган.

Алишер Навоийнинг “Ҳамса” туркумига кирувчи дostonларида ҳаёт ва ўлим фалсафаси теран ва жиддий ифода этилган. Унда фақат қаҳрамонлар севгисининг фожиали баёни ёхуд яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги курашнинг бадиий талқини эмас, балки фоний дунёда ўзлигини топиш, комил инсон масаласи муҳим. Навоий “Ҳамса”сидаги деярли барча қаҳрамонлар ўлимга юзма-юз келади. Аммо барчасида Навоий англамоқчи бўлган фалсафа – дунёнинг бебақолиги. Яшашдан мурод мақсад ила сафар ихтиёрини тутмоқлик, зеро, бу сафар, аввало, ўзлигини англамоққа қаратилади. Ўзини кашф этган ўзгани англай олади. Инсон қайси динга итоат қилишидан қатъи назар ўлим мавзусига бот-бот мурожаат қилаверади. Модомики, туғилиш, яшаш ва ўлим инсон қисматидаги битик экан, инсон моҳияти шу уч сўзда жам бўлар экан, бу мавзулар ҳақида махсус илмий тадқиқот олиб бориш жоиздир.

Диссертация биринчи бобининг иккинчи фасли **“Миллий уйғониш ва шўро даври ўзбек насрида муаммонинг ижтимоий-психологик мазмун касб этиши”** деб номланиб, бунда XX аср ўзбек адабиёти қаҳрамоннинг ҳаёт ва ўлимга қараши жиҳатидан турли эврилишларга дуч келганлиги, хусусан, жадид адабиётида жаҳолатга қарши курашиш ҳаёт-мамот масаласига айланганлиги, яъни ҳаёт ва ўлим муаммоси ўзининг био-физиологик қобиғидан ёриб чиқиб ижтимоий концепция даражасига кўтарилганлиги, шўро даври адабиёти намуналарида эса ўлим оптимистик трагедиянинг яратилишига хизмат қилганлиги, шунга қарамай айрим асарларда ўлим мавзуси умумбашарий тус олганлиги каби масалалар ўрганилди. Албатта, XX аср боши адабиётининг ривожини, ўзига хос тамал тошининг қўйилишида жадид адабиётининг ўрни муҳимдир. Жадид адабиёти, публицистикасининг долзарб мавзуларидан бири жаҳолатга қарши илм билан кураш эди. Нафақат драматургия, шеърят, балки насрнинг ҳам етакчи хусусиятларидан ҳисобланган бу долзарблик Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий ижодининг муҳим ўзагини ташкил қилган.

Чўлпон ҳикояларининг асосини ҳам жаҳолатга қарши кураш ташкил қилади. Тўғри, баъзи ҳикояларида асосий урғу ғояни ўтказишга қаратилганидан бадиийлик мезонларига у қадар жавоб бермайди. Масалан, “Қурбони жаҳолат” ана шундай ҳикояларидан биридир. Асар Чўлпон ижодидаги, умуман, жадид адабиётидаги дастлабки ҳикоялардан бири эканлигини ҳисобга олсак, етакчи ғоя – жаҳолатнинг салбий оқибатини кўрсатиш бўлганлиги, бу XX аср бошидаги муайян ҳолатни тасвирлаш нуқтаи назаридан аҳамиятлидир. Жадид адабиёти, умуман, XX аср боши адабиётида аёл персонажлар ўлимида заҳар, эркак персонажларда эса ўзини

отиш мотивлари учрайди. Бу конфликтларнинг ечим топиши, кулминацион вазиятларни юзага келтиришда ёзувчига поэтик восита ҳисобланган.

Чўлпоннинг яна бир ҳикояси – “Дўхтур Муҳаммадиёр”да адиб жамиятдаги бошқа бир иллатни кўрсатиб ўтади: “Бу вақтда шаҳарда катта тўйлар бўлмакда, қиморбозлар, мастлар бир-бирларин пичоклашуб, инсон қонлари “жаҳолат!! Жаҳолат!!” деб оқмакда эди!..¹” Ана шундай шароитда миллатни қутқаришнинг ягона чораси инқилобий сакрашларсиз, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашув эди. Бу ҳолат жадиждларнинг сиёсий маслақларида ҳам акс этди. Жаҳид одам образи Чўлпон ҳикояларида ўсиб, “Кеча ва кундуз” романида Шарафиддин Хўжаев мисолида давом эттирилди.

Жаҳид адабиётида жаҳолатдан қутулишнинг ҳаётийлик концепцияси тарғиб қилинган бўлса, ўлим, шахс фожиаси жаҳолатга ботиш билан боғлиқ ҳолда акс эттирилади. Фитратнинг “Мунозара” (1909), яъни “Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жаҳид мактаблари хусусинда қилган мунозараси”, “Ҳинд сайёҳи баёноти” (1912) асарларида ёзувчи Бухоронинг ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий ҳаётини чуқур таҳлил қилиб берадики, бу ўринларда Фитрат фақат ёзувчи эмас, сиёсат арбоби, файласуф олим сифатида намоён бўлади.

Фитратнинг “Қиёмат”(1923) ҳикояси, гарчи шўро мафкурасига мослаштирилиб талқин қилинган бўлса ҳам, ўзининг композицион қурилиши, тил, услуб ва бадиийлиги жиҳатидан пишиқ-пухта ҳикояларидан ҳисобланади. Ҳикояда сатирик руҳ устувор. Унда баёнчилик сезилмайди. Воқеа нариги дунёда кечади. Сиртдан қараганда оддий нашаванд одамнинг Мункар ва Накир каби фаришталарни мот қилиши, атеистик руҳда битилган асардай тасаввур қолдиришига қарамай, ҳикоянинг тағ заминиде сиёсий тузумни фош этиш сезилиб туради. Бу мотивларни ифода этишда воқеликнинг нариги дунёга кўчирилиши ёзувчи хавфсизлигини таъминловчи чора эди. Негаки, “социализм ривожланган сари синфий кураш кучайиб боради, деган сохта назария тўқиб чиқарилиб, душман излаш авж олди. Шу баҳонада миллий зиёлиларни таъқиб қилиш кучайди. Хусусан, жаҳидчиликни миллатчилик сифатида қоралаш йўлга қўйилди²”. Мана шундай паллада жаҳид адабиёти ифода бобида мажозий тасвирдан фойдаланиши табиий эди. Жаҳид маслағи ҳаёт ва мамот муаммоси даражасига кўтарилди, бадиий адабиётда эса бу муаммонинг ечими кўрсатиб берилди. Кичик жанрларда бўй кўрсатган муаммолар кейинроқ эпик кўламларда давом эттирилди. Жаҳид насрида ҳаёт ва ўлим категорияси биргина шахс ҳаётининг якунига дахлдор бўлмай, балки бутун халқ қисматида ижтимоий мазмун касб этган.

Ўлим мавзусига эркин ва табиий ёндашишдаги тақик шўро сиёсати ҳамда адабиётида ўз асоратларини қолдирди. Аммо ХХ аср адабиётида руҳий емирилиш ва катаклизма (ижтимоий ҳаётдаги кескин ўзгариш,

¹ Чўлпон. Дўхтур Муҳаммадиёр. Асарлар. II жилд . – Тошкент: Akademnashr, 2012.– 280-б.

² Қосимов ва б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Маънавият, 2004. – 213-б.

халокат)ларнинг натижаси ўлароқ динга эҳтиёж пайдо бўлди. Бу ҳолат, биринчи галда, бадий адабиётда акс-садо берди.

Шўро мафқураси босими остида кечган XX аср ўзбек адабиётининг айрим намуналарида ўлимнинг оптимистик трагедияга хизмат қилиш ҳоллари учрайди. Бу давр адабиётида ўлимга инсон ҳаётининг жисмоний якуни деб қаралди ва шундай талқин қилинди. Шу боис ўлим мавзусининг руҳоний жиҳатлари эътибордан четда қолди. Айрим ҳолларда, ҳатто қаҳрамон ўлими ҳам халқ манфаати йўлида хизмат қилдирилди. Адабиётнинг ижтимоийлашуви даврида алоҳида шахслар руҳиятидаги эврилишларга эътибор қаратилмади. Натижада инсон тақдири тамомила ижтимоий қадр-қимматига кўра талқин қилина бошланди ва ўлим мавзуси четлаб ўтилди ёки инсоннинг ўлимга муносабати масаласи тарих фони остига кўчирилди.

Иккинчи боб **“Ҳаёт-мамот муаммосининг миллий-исломий ва ижтимоий-психологик бадий талқини”** деб аталган.

XX асрнинг 20 – 30-йиллари романчилигида ҳаёт ва ўлим муаммосини миллий-исломий йўсинда бадий тадқиқ қилган Қодирий ижоди ва мураккаб вазиятларда қаҳрамон ҳаётининг чигал ҳолатлари, инсоннинг ўлимга муносабатини ижтимоий-психологик нуқтаи назаридан ифодалаган Абдулла Қаҳҳорнинг **“Сароб”** романи алоҳида ажралиб туради. Қадр-қимматга эга бўла олмаган инсоннинг фожиага учраши мумкинлиги жаҳон сўз санъатида бўлганидек, ўзбек адабиётида ҳам бадий тадқиқ этилган. Кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. **“Сароб”** романи устидаги талқин ва мулоҳазалар фақат қаҳрамон ёки ёзувчи ижодий тақдири эмас, умуман, XX аср ўзбек адабиёти хусусида айрим жиддий хулосалар чиқариш учун асос беради.

Бобнинг биринчи фасли **“Ҳаёт ва мамот муаммосининг миллий-исломий талқинлари”** деб номланади. XX аср шўро даври ўзбек адабиётида ҳаёт ва ўлим муаммоси Абдулла Қодирий ижодида миллий-исломий руҳда намоён бўлди. Абдулла Қодирий романларида кўтарилган барча муаммолар, шунингдек, ҳаёт ва ўлим масаласи ечими ҳам исломий тушунчалар асосига қурилган. Аввало, исломий қарашлар адиб ўзлигида бир бутун мазмун касб этади ва у қаҳрамонлари шахсиятига кўчиб ўтади. Ана шу муҳим омил ёзувчи ижодининг ўзагини ташкил этди. У қаламга олган аксар масалалар шахсий ҳаёт қобилини ёриб чиқиб, умумбашарий тус олади, аммо исломий ёндашув ҳар бир асари учун асос бўлиб қолаверади. Аммо у яшаган муҳитда исломий қадриятларнинг инқирозга учраётганлиги асарларида, хусусан, романларида матн остида ифода этилади. Қаҳрамонлар тийнатидаги исломий руҳ ишқий-оилавий саргузаштлар, тарихий-ижтимоий ҳодисалар, даврнинг ижтимоий зиддиятлари билан туташ ҳолда талқин қилинади. Исломий-руҳоний ўзлик фақат персонаж тақдирига эмас, ижтимоий масалаларга ҳам бирдай дахлдор. Романдаги севги тарихи ёзувчи асл мақсадини ифодалашда восита ҳолос. Адиб муҳаббат можаросида миллат дарди ва фожиасини акс эттиради. Абдулла Қодирий шахсиятидаги айрим қирралар қаҳрамонларида, хусусан, Отабек ва Анвар қиёфасида янада бўртиб кўринади. Айтиш

лозимки, “Меҳробдан чаён” (1929) романи ёзилган даврга келиб, Қодирий қарашлари мустаҳкам тус олган, бу пайтда у “маънавий ўлим”ни босиб ўтган, унинг учун “жисмоний ўлим” хавфи йўқолган эди. Шу боис адиб қарашларидаги кескин бир шиддат Анварга кўчиб ўтган эди. Қодирийда юз берган ўлим билан рўбарў келиш ҳолати ҳар икки қаҳрамон руҳиятида акс этган. Ўлим билан юзма-юз келгандаги ҳолат, яна ҳам аниқроқ айтсак, ўлим олдида ҳамма нарсанинг беқадр бўлиб қолиши тасвирида Қодирий ўткинчи дунёнинг бебақолигига ишора қилади. Бадиий асарларда қаҳрамонларнинг ўлимолди ҳолатлари тасвирининг таҳлили ўлим ҳамма учун бир хил қабул қилинмаслигини кўрсатади. Ўлимни қандай кутиб олиш қаҳрамоннинг ҳаёт кечириш тарзи, унинг диний эътиқодлари билан боғлиқдир. Қодирий шахсияти билан боғлиқ воқеалар романда аксини топган ва асар воқелигининг хон замонларига кўчирилиши ёзувчи дилидаги фикрларни эркин ифодалаш имкониятини берган. Инсон ботинидаги чигалликлар “Меҳробдан чаён” романида “Ўткан кунлар”га нисбатан бўртиб кўринади. Романда, инсон эрки поймол этилган тузум тасвирида, ёзувчи маълум маънода ўзи яшаб турган муҳитдаги норасоликларни назарда тутади. Қаҳрамон психодинамикасидаги ўсиш ва ўзгаришлар, ҳаёт-мамот чегарасидаги инсон тақдирида ўрин тутган исломий қадриятларнинг устуворлиги XX аср шўро даври ўзбек адабиётида Қодирийгагина хос талқин бўлиб қолди.

Бобнинг иккинчи фасли **“Шахс фожиаси ёки эгоистик-аномик худкушликнинг бадиий ифодаси”** деб аталади. Мазкур фаслда “Сароб” романида инсон қисматининг бадиий ифодаси, шахс фожиаси, фожа сабаблари, персонаж руҳиятидаги эврилишлар, бадииятда ўлимнинг ижтимоий-психологик омиллари тадқиқ қилинди.

Ёзувчи асар қаҳрамони Саидий ҳалокатини босқичма-босқич таҳлил қилар экан, шахснинг синиши ва синдирилиши орқали муаяйн воқелик устидан ҳукм чиқаради. Бироқ Саидий ўлими ёзувчи айтмоқчи бўлганидан-да салмоқлироқ хулосага асос беради. Бу ўлимолди ҳолатида инсоннинг мавжудлиги масаласидир. Абдулла Қаҳҳор инсон қисмати фожиаси, ниҳоят, ўлимолди ҳолатлари ҳар қандай қобикни ёриб чиқа олишини, унга ҳеч қандай мафкура дахл қилолмаслигини, инсон табиати бирор қолипга тушмаслигини Саидий мисолида китобхонга англата олди. Аммо Қаҳҳор янги тузум шароитида бу типдаги кишиларнинг яшашга ҳаққи йўқлигини Саидий ўлими орқали тасдиқлаш билан ўз ақидаларига содиқ қолди.

Инсоннинг қадр-қиммати ички оламидаги ҳис-туйғулар эмас, унинг оилага ёки бирор ишда келтирадиган фойдаси билан ўлчаниши, яъни альтруистик муносабатлар ўрнини эгоизм эгаллаб бориши ҳаётга бўлган қизиқишнинг йўқолишига олиб келади. Ҳаётга қизиқиш, ундан ҳайратланиш ҳиссининг йўқолиши инсон онг остида ўлимга интилишни кучайтиради. Ўлим жисмоний якун билан тугаса ҳам, ўлимолди ҳолатлари ҳамиша бирдай эмас. Бу қаҳрамоннинг ҳаётга муносабати, ўлимга дучор қилаётган омиллар билан боғлиқ. Оиладан, ишдан, ўзидан ҳаловат топмаган одамнинг сўнгги

ҳолатлари Саидийдай агрессив тус олиши мумкин. Ёзувчи Саидий қисматини шу ҳолда яқунламайди. Роман мантиғи бу яқунни кўтармас эди. Адиб табиатнинг бир қисми бўлган одамзоддаги манфий куч бутун табиат қаршилиги остида ўз мантиғига кўра яқун топишини бадиий жиҳатдан асослайди. Бор имкониятларини бой берган Саидий фикрлашдан тўхтади, уйқусизликка мубтало бўлди, “қулоғи ғувуллайдиган”, “мияси чарсиллайдиган”, қисқаси, яшашга ҳоли йўқ кимсага айланди, яъни руҳан эзилиш оқибатида маниак-депрессив (восвослик депрессияси) ҳолати намоён бўлди. Саидийнинг асаб касаллигига йўлиқишида шахсий муносабатлар муҳим ўрин тутди. Ёзувчи Саидийнинг ўлими тасвирида бошқа адиблар ижодида кузатилмаган нозик ҳолатга эътибор қаратади. Бу– инсон руҳиятидаги агрессивликнинг ўлимолди ҳолати. У бахтга интилиб яшади, аммо бахтсизлик, омадсизлик ҳеч тарк қилмади. Фейлюрстик асарларда одатдаги реалистик асарлардан фарқли қаҳрамонни фақат бахтсизлик таъкиб этади. Адабиётда фейлюризм борлиқнинг пессимистик концепцияси ва персонажнинг омадсизликлар занжири қурбонига айланиши тасвиридир¹. Шу боисдан Саидийни фейлюрстик қаҳрамон деб аташ мумкин. Аббосхоннинг “Саидий ўзбек адабиётининг ифтихори бўлажак”, деган гапи, Муродхўжа домла яратган шароит ҳам уни таназулдан асраб қололмайди. Ниҳоят, руҳий зарбалар Саидийни руҳан мажруҳ аҳволга солади. Бу эса инсон табиатидаги соғлом кучнинг фаол ҳолда ўз-ўзининг инкорига айланиб, носоғлом ҳолатда фаолият кўрсатишидир.

Танатолог олимлар ўлим жараёнининг тўрт босқичини таҳлил қилганлар:

1. Ижтимоий ўлим. 2. Психик ўлим. 3. Ақлий ўлим. 4. Жисмоний ўлим².

Шахснинг атрофидаги ҳар бир нарса ва кимсаларга бефарқлиги ижтимоий ўлим белгилари ҳисобланади. У ўз қобиғига ўралиб олади, ҳаммадан қочгиси келади. Худкушлиқнинг эгоистик турида ҳам шундай белгилар қайд қилинади. Бунга кўра инсон ҳамма нарсани инкор қилади. Саидийда ўлимнинг белгилари дастлаб шу тариқа намоён бўлади. Сўнгра унда психологик ўлим белгилари кўрина бошлайди.

Худкушлиқнинг аралаш типларини аниқлаган Эмил Дюркгейм уларни учга ажратади: 1. Эгоистик-аномик худкушлиқ. 2. Аномик-альтруистик худкушлиқ. 3. Эгоистик-альтруистик худкушлиқ³. Саидийнинг ўлимида эгоистик-аномик йўналиш етакчилик қилади. Таҳлиллардан кўринадикки, роман қаҳрамонларининг аросатда кечган тақдири, биринчидан, XX асрнинг 30- йиллари учун хос бўлган давр трагизмини англаш имконини беради, иккинчидан, қурбонлар эвазига яратилган сунъий жамият асоратлари миллатнинг оғриқли нуқталарига айланди, учинчидан, Саидий фожиасини келтириб чиқариш ёзувчи ғояси эканлиги аниқланди, тўртинчидан, ҳаёт ва

¹ Боров Ю. О трагическом. – Москва: Советский писатель, 1961. – С. 271.

² Годфруа Ж. Что такое психология. В 2-х томах. Том 2. – Москва: Мир, 1992. – С. 46.

³ Дюркгейм Э. Самоубийство: Социологический этюд. – Москва: Мысль, 1994. – С. 81-110.

Ўлим муаммоси миллий-исломий талқинлардан бошқа ижтимоий-психологик талқинлар билан бойиди. Қаҳрамон ўлими ёзувчи ғояси учун қурол вазифасини бажарди. Айти вақтда Саидий ғожиасини келтириб чиқариш орқали мавжуд тузумнинг ўзи ҳам қош этилди.

Учинчи боб **“Бадиий адабиётда танатопсихологик талқинлар”** деб аталган. Мазкур бобда ёзувчи Одил Ёқубовнинг **“Улуғбек хазинаси”** ва **“Кўхна дунё”** романлари персонажларнинг ҳаёт ва ўлимга муносабати нуқтаи назаридан ўрганилди. Негаки, ХХ аср 70 – 80-йиллари ўзбек адабиётида инсоннинг ўлим олди ҳолатлари ва руҳиятини очиб беришда ёзувчи қўрқув салтанати ёки ўлим империяси остидаги шахснинг синишини кўрсатди. Асар қаҳрамонининг танатопсихологик ҳолатлари тарихий шахслар қисмати мисолида ишонарли тасвирланди. Ёзувчи икки тарихий романида тож-тахт эгаларини асар марказига қўйиб, улар орқали жамият ва шахс, инсон ва руҳият масаласига урғу берди. Айти вақтда танатопсихологик талқин адиб яшаган давр муаммоларини тарих фони остида таҳлил қилиш имконини берди. Одил Ёқубов ҳам инсон ҳаётининг муҳим масаласи бўлган ҳаёт ва ўлим ҳақидаги қарашларини тарихий асарларига, тарихий шахслар қисматига кўчирди. Ёзувчи тарих фони ортида ўзини қийнаган муаммолар – одам ва олам, азал ва қисмат, жамият ва шахс, тириклик ва ўлим ҳақида равон қалам тебратди. **“Улуғбек хазинаси”** романида Мирзо Улуғбек ва Абдуллатиф тақдири ва **“Кўхна дунё”** романида Х – ХІ аср Шарқ тарихида ўзига хос ўрин тутган уч йирик шахс – Маҳмуд Ғазнавий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синонинг кечмишлари мисолида азал ва абад, тарих ва қисмат, ҳаёт ва ўлим фалсафаси таҳлил қилинади.

Бобнинг биринчи фасли **“Бадиий маҳорат ёки падаркушликнинг психоаналитик асослари”** деб номланган. Бу фаслда ёзувчи Одил Ёқубовнинг **“Улуғбек хазинаси”** романида ифода этилган ҳаёт ва ўлим муаммоларининг бадиий психологик жиҳатларига эътибор қаратилган.

О.Ёқубовнинг **“Улуғбек хазинаси”** романи туганмас ғожиалар қобиғида тасвирланса ҳам, алоҳида шахсларнинг тарих силсиласига таъсири нуқтаи назаридан қимматлидир. Асарда инсон руҳиятидаги эврилишлар ҳаёт ва мамот масаласини чуқур тадқиқ қилиш имконини беради. Мирзо Улуғбек ва Абдуллатиф муносабатларидаги конфликт бирдан пайдо бўлган эмас, уларни ўзаро ғаним қилган дин пешволари ҳам эмас. Гавҳаршодбегим – Улуғбек, Абдуллатиф – Улуғбек муносабатларини кескинлашиб портлаш даражасига етказган ҳолат оилавий муносабатларнинг тўғри ўрнатилмагани эди. Ёзувчи Абдуллатифдаги меҳрсизлик илдинини унинг ота меҳридан узокда ўсганлиги билан изоҳлар экан, уни тўғри асослаб беради. **“Ўз қиблагоҳининг иродаси фарзанд учун фарзи айн”** эканлигини тушунмаган Абдуллатиф эса етарлича топмаган эътибори, қонмаган меҳри туфайли тарихда доғ бўларли ғожиаларга сабаб бўлди.

Романда икки асосий қаҳрамоннинг ўлимолди ҳолатлари очиб берилган. Агар Улуғбек билан боғлиқ ҳолатда қисматга розилик, айти пайтда ожиз инсоннинг руҳий тўлғонишлари акс этган бўлса, Абдуллатифда

восвосга учраган, қисматдан қочаётган, шунинг учун ҳар қандай нарсага рози бўлган, фақат ўлмаслик учун кураш олиб бораётган шахс образи гавдаланади. Ёзувчи Абдуллатифнинг телба ҳолатига Улуғбек умрининг сўнгги дамларини қарши қўяр экан, инсоннинг асл қиёфаси ҳаёт ва ўлим чегарасида очилишини яна бир бор исботлайди. Ёзувчи ўлимолди ҳолатини тасвирлар экан, “поймол бўлган ғурур ва ҳақорат туйғусидан ларзага тушган Мирзо Улуғбек лабларини тишлаб, инграб” юборишида буюк шахсларини майда манфаатларига алмашаётган инсониятнинг ўз ихтиёри билан шармандали ҳолга тушишини аччиқ киноя остига олади. Сўнгги дақиқаларда ҳам ўзлигини йўқотмаган, тақдирига тадбир қўрувчи эмас, унга пешвоз чиқадиган қаҳрамон тимсолида гавдаланган Улуғбек образидаги улуғворлик ўлимни қўрқув каби қабул қилган Абдуллатифдан ҳам, Маҳмуд Ғазнавий (“Кўҳна дунё”)дан ҳам юқори туради.

Психологларнинг аниқлашича, одатда, жинойтчиларнинг аксарияти тарбияли, интизомли одамлардан етишиб чиқар экан. Бунда ҳеч бир ғайритабиийлик йўқ, чунки доимий назорат, қаттиққўллик шароити болаликнинг нормал кечишига йўл бермайди. Бундан ташқари, фарзанднинг ота-онадан оладиган улуши ҳам бўлади. Улуғбек Абдуллатифга оталик меҳрини бермадигина эмас, у укаси Абдулғазиздан акалик улушини ҳам олмади. Ундаги агрессив қўзғалиш, аввало, оиласига, отасига, укасига қаратилади. Абдуллатиф характерини ўрганиш жараёнида унинг садизмга ва перверсияга, яъни “нормадан оғиш”га мойиллигини кузатамиз. Перверсив ҳаракатлар болаларни ёшлигида таъқиб қилишганда, азоблашганда, уларни яхши кўришмаганда содир бўлади. Абдуллатиф болалигидан етарлича топмаган эътибори туфайли перверсив невроз одамга айланди.

О.Ёқубов романда, асосан, Абдуллатиф фожиасининг омилларини босқичма-босқич таҳлил қилиб берган ва унинг руҳий хасталикка чалинишида Улуғбекнинг шахсий муносабати муҳим ўрин тутганлигини асослай олган. Шу билан бирга, адиб ўлим олди ҳолатларида қўрқув масаласини чуқур таҳлил қилган. Маълум бўладики, дин ва эътиқодидан қатъи назар инсон ўлимни оддий зарурат каби қабул қила олмайди. Чунки ўлим инсон ҳаётидаги биринчи ва охири тажриба ҳисобланади.

Иккинчи фасл **“Худбинлик ва қўрқувнинг бадииятдаги инкишофи”** деб аталган. О.Ёқубовнинг “Кўҳна дунё” романи кўҳна воқелик тасвиридангина иборат эмас, балки кўҳна муаммо – ҳаёт ва ўлимнинг абадиятга дохиллиги, шунинг баробарида инсоннинг унга бўлган муносабатини бадий инкишоф этиш жиҳатидан ҳам қимматлидир. Ёзувчи бутун асар давомида ўлим шарпасини тасвирлар экан, бу билан ҳақиқат олдида нисбий ўлчов бўлган жамики фалсафани парчалаб ташлайди. Қўрқинч ваҳимадай кезувчи ўлим асар пафоси даражасига кўтарилади. О.Ёқубовнинг мақсади Маҳмуд Ғазнавийнинг салбий қиёфасини кўрсатиш эмас, балки персонаж муаммосининг бадий ечимини беришдан иборат эди. Шунинг учун ёзувчи Маҳмуд Ғазнавий фаолиятини тўла қамраб олмайди, умрининг сўнгги дамларини акс эттириш билан кўзлаган мақсадига эришади.

Маҳмуд Ғазнавий ҳаётини танлаб олишдан мурод инсон ҳаётининг айни нуқталарида унинг ҳаёт ва ўлимга бўлган муносабатини ойдинлаштириш эди. Беруний ва ибн Сино ҳаётини тўла тасвирлаш ҳам ёзувчи мақсади эмас. Шу боис улар ҳаёти хронологик изчилликда эмас, хотиралар ва тушлар тасвири билан тўлдирилади, улар фаолияти Маҳмуд Ғазнавийни безовта қилган муаммо билан боғланади. Ғазнавийнинг тарих саҳнасига кириб келишида, Беруний ёки ибн Синонинг буюк аллома даражасига кўтарилишида, аввало, улардаги ўзлик асосий ўрин тутади. Маҳмуд Ғазнавийдаги шафқатсизлик ва фавқулодда ақл уни ноёб иқтидорга – мамлакатни бошқариш қобилиятига эга қилди. Инсоннинг айрим хусусиятлари туғма бўлиб, воқелик туфайли турли кўриниш касб этиши мумкин. Маҳмуд Ғазнавийдаги шафқатсизлик ва худбинлик туғма. Уни сарой шароити ва муҳити ҳукмдор қилиб етиштирди. Бошқа бир шароитда ўша хусусиятлар билан қароқчи ёки каллакесар бўлиши ҳам мумкин эди. Демак, романда тасвирланган қирғинбаротлар ўз-ўзидан юзага келган эмас. Унинг илдизида туғма-табiiй асослар мавжуд. Ёзувчи шафқатсизликка ўлимни қарши қўйиб персонажнинг аросатдаги тақдирини кўрсатиб беради. Қаҳрамон характерининг соф психобиологик жиҳатларини очишда шафқатсиз усулни, яъни инсоннинг ўлим билан юзма-юз ҳолатини танлайди. Шу орқали ўлим жисмоний яқун эмас, ўлим – ҳаётнинг қимматини белгиловчи мезон, ўлим – ҳаёт гўзаллиги кашфиёти, ўлим туфайли боқий дунёга ҳар ким ўз даражасида қадам қўйиши каби абадий ҳақиқатни уқтиради.

Тўртинчи боб **“Муस्ताқиллик даври насридаги эврилишлар: анъана ва ноанъанавийлик”** деб аталган. Инсон ҳаёти, табиати, руҳияти билан боғлиқ соф инсоний ва табиий муаммоларга қизиқиш бугунги миллий адабиётимизнинг характерли хусусиятларидандир. Истиқлол даври адабиётида ҳаёт ва ўлим фалсафасининг бадиий талқини насрнинг барча жанрида ифодаланаётганини назарда тутиб, ёндош жанрларга ҳам эътибор қаратдик. Биз таҳлилга тортажамиз асарларда экзистенция билан боғлиқ инсоннинг бегоналашуви масаласи ҳаёт ва мамот фалсафасининг дуалистик мезони ўлароқ тадқиқ этилди.

Бобнинг биринчи фасли **“Истиқлол даври насрига хос танатологик талқинлар”** деб аталган. Бу давр насрида мумтоз адабиётдаги ҳаёт ва ўлим фалсафасини янги талқинларда давом эттирган асарлар ҳам яратилди. Ана шундай асарлардан бири У. Ҳамдамнинг “Сабо ва Самандар” романидир. Асар бежиз ҳазрат Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони билан муқояса қилинмайди. Романда бугуннинг ҳаёти, ташвиши билан баробар ўз майлларида юқори кўтарилган инсонларнинг муҳаббат фалсафаси тасвирга тортилади. У. Ҳамдамнинг деярли барча қаҳрамонлари ўзликни англаш, Яратганни таниш йўлида машаққат чекаётган инсонлар. Зеро, қаҳрамон умрининг қай бир лаҳзаларида ёзувчи умри яширинган. У. Ҳамдам асарлари жанр жиҳатидан хилма-хил, аммо мана шу турфаликда яқинлик мавжуд. Бу – ўзлигини топишга интилиш. Бу йўллар ҳаёт ва мамот оралиғида сарҳисоб қилинади. Шу боис унинг қаҳрамонлари ўлим юзига тик боқади ва

ундан мурад излайди. Мустақиллик насрида Аллоҳни таниш, ўз руҳиятини таҳлил қилиш, бир сўз билан айтганда, аналитик қаҳрамон кифоасига эга бўлиш У. Ҳамдам ижодида бўртиб кўринади.

Инсоннинг ҳаёт ва ўлимга муносабати уруш одамлари орасида ўзгача қабул қилиниши Қ. Норқобилнинг “Дарё ортидаги йиғи” қиссасидаги воқелик ва ҳар дақиқа ўлимга рўбарў келаётган асар қаҳрамони Кўчқорнинг кечинмалари мисолида тасвирланган. Бу ҳолатни Ў. Ҳошимов романларида ҳам учратиш мумкин. Уруш тасвирига бағишланган асарларда умумий жиҳат бор. Бу – ўлим олдида кўрқув туйғусининг йўқолиши. Уруш ўлим ҳақида ўйлашга имкон бермайди. Жангнинг шиддати кескин, ёзувчи тасвирда ҳам қисқалик ва лўндаликка интилади, қаҳрамон кечинмаларининг бутун залвари диалогларга юкланади. Қ. Норқобил қаҳрамонининг ҳаётини босиб ўтган. Уруш одамларининг жонли тасвирида ҳам биографик методнинг кенг имконияти акс этган.

Уруш одамлари тақдири акс этган яна бир асар Н. Эшонқулнинг “Уруш одамлари” қиссасидир. Асар тасвирида қора бўёқ, хорғин кайфият лавҳадан лавҳага, асардан асарга кўчиб борар экан, бу қаҳрамон руҳиятига чуқурроқ кириб бориш имконини беради. Қиссада биргина инсоннинг фожиаси эмас, фожиалар силсиласи акс этган. Фожианинг тағзамини урушдир. Шу туфайли одамлар тақдир чиғиринида аёвсиз айланади. Асар қаҳрамони Норматнинг урушдан қайтиши катта бир қувонч, аммо уни катта бир фожа – ўлим ва парокандалик кутиб турарди. Анзиратнинг шафқатсиз қисмати олдида ночорлиги, бахтдан бенасиб болаларнинг ноаниқ тақдири, ор-номуснинг меҳр-шафқатдан устун келиши, Норматнинг фожиаси – буларнинг бари уруш ортидаги одамлар тақдирининг аччиқ бир бўлаги эди.

“Уруш одамлари”дан фарқли Н. Эшонқулнинг “Маймун етаклаган одам” китобига кирувчи асарларида ҳаёт ва ўлим фалсафаси рамзийлик касб этади. Шу билан бирга бу китобга кирган асарларнинг умумий руҳига хос мунг ва ҳазин оҳанг ҳам борки, бу ҳолат инсониятнинг ботиний оламини чуқурроқ англаш имконини беради. Шундай асарлардан бири “Тобут” ҳикоясидир. Бу ўринда ўлим бузилган жамият, таназулга юз тутган инсониятнинг сўнгсиз фожиасидан огоҳлантиради. Ёзувчининг инсон қалбидаги нозик сир-синоатлар ҳар кунги ҳаётий ташвишлар доирасида эмас, айнан фожеий вазиятларда юзага чиқишини уқтирувчи ҳикоялари ҳам талайгина. Ана шундай асарлардан бири “Очилмаган эшик” ҳикоясидир. Ҳар қандай қадрият ижтимоийлик касб этишидан аввал у, албатта, табиийлик билан тўйинган бўлиши лозим деган қараш мазкур ҳикоянинг асосини ташкил этади. Ҳикоя хотимасида келиннинг оғу ичиши якун топиши мувозанатдан чиққан эр-хотинлик муносабатлари билан боғланади. Келин учун оила шаънини сақлаш ҳаёт-мамот масаласига айланади. Адиб шу дамда келиннинг ташқи ҳолатига эмас, ички оламига эътибор қаратади. Аномик худкушлик учун шундай ҳолат табиийдир. Агар ёзувчи қаҳрамоннинг психофизиологиясидан келиб чиқиб ҳикоя хотимасини ўлим билан якунлаган бўлса, “Шамолни тутиб бўлмайди” ҳикоясида бошқа манзара

тасвирланади. Унда инсон руҳияти кутилмаганда ўзгариши мумкинлиги ҳикоя қаҳрамони Байна момо мисолида кўрсатиб берилади. Одатда, бир сифат ўзгаришидан иккинчи сифат босқичига ўтиш кўп вақт талаб қилади. Аммо момонинг қисмати билан танишар эканмиз, тамомила бошқа бир ходисага дуч келамиз. Оғир руҳий зарба натижасидаги ўзгариш тараққиёт йиллар давомида инсониятга ҳадя қилган ўзгаришига нисбатан тез натижа беради. Кўринадики, ўлим фақатгина жисмоний якун эмас, ўлимга муносабат ҳам ҳамisha бирдай кечмайди. Байна момо эри ва ўғлининг ўлими туфайли эстетик юк олган образ қиёфасида намоён бўлган.

Руҳоний оламнинг фусункорлигини акс эттирувчи “Жимжитхонага йўл” (Х.Дўстмуҳаммад) деб номланувчи ҳикоя инсон табиатининг ўзига-да номаълум қирралари ҳақида сўз юритади. Италиялик адиб Дино Буццатининг “Етти қават” ҳикоясига назира ўлароқ ёзилган асарда исломий ёндашув ва миллийликка алоҳида эътибор берилган.

Бадий адабиётда қаҳрамон ўлими билан боғлиқ талқиннинг ўзгача энгил юмор туғдирувчи ҳолатлари ҳам мавжуд. Абдулла Қаҳҳор ижодидан бошланган бу анъана Саид Аҳмаднинг “Сағана” ҳикоясида чўққига кўтарилади. Ҳикоя ҳар қанча кулги уйғотмасин, унда инсонни тафаккур қилишга ундовчи асос – фоний дунёнинг бебақолигини кулги билан тасдиқлаш муҳим.

Ўлим ва ҳаёт муаммосининг шахс майллари билан боғлиқ талқини Зулфия Қуролбой кизи ижодида ҳам кузатилади. Ўзбек адабиётида бир неча нуруний чоллар образи учрайди. Улардан фарқли “О, ҳаёт” ҳикояси қаҳрамони Назар чол ҳаётга худбинларча назар ташлайди ва ниятига яраша ҳукм қилинади. Адиба ўлимни тан олмаслик улкан фожиа эканини Назар чол қисмати орқали англатади. Ҳикоядан вақт-соати етгач, ўла билиш ҳам бахт эканлиги, ўлим ҳам инсонга неъмат қилиб берилганлиги англашилади. Назар чолдан фарқли ўлароқ “Ҳилола”да қаҳрамон ҳар дақиқа ўлимга юзма-юз келади. Ана шундай вазиятда ҳам ўзи учун аталган бахтдан бенасиб қолмасликка уриниш ҳар қандай кўркувни четга суради. Экзистенциализм фалсафасида чегарадош вазият тушунчаси бор. Айни шу чегарада инсоннинг моҳияти очилади. Қарангки, Ҳилола учун умрига мазмун киритадиган қисқа лаҳзалар доимий давом этадиган бир хилликдан афзал эди. Шунинг учун охири ўзига ҳам маълум бўлмаган зерикарли ҳаётдан кўра қисқа ва мазмунли яшаб ўлишни маъқул кўрди. Бахтнинг илк ўлчами оиладан бошланади. Оила руҳий мувозанатни бошқаради. Ана шу мувозанат бузилган ердан фожиа бошланади. Ҳикоя бизга шу англамни етказиши жиҳатидан ҳам қимматлидир.

Адибанинг “Холиқ амаки” ҳикояси шахс ва оломон муносабатининг ёрқин ифодаси сифатида аҳамиятлидир. Бир умр қадр топмаган инсон ўлими ҳам аянчли якун топади. Ёзувчи Холиқ амакидаги ожизликка эмас, одамлар ва Холиқ амаки муносабатига урғу бериш орқали оломон ҳамда шахс фожиасини очиб беради.

Зулфия Қуролбой қизининг “Аёл” ҳикояси адиба ижодини яна бир босқичга кўтарган. Бу ҳикоя кутилмаганда инсоннинг ўлимолди ҳолатларини теран ёритгани ва ҳаётийлиги билан қимматлидир. Унда реал воқелик бадииятга йўғрилиб ўқувчида эстетик завқ уйғотади.

2-фасл “Рухият оламининг тадқиқи: жараён ва эврилиш” деб аталган. Бу фаслда Тоғай Муроднинг “Бу дунёда ўлиб бўлмайдими” романида акс этган ҳаёт ва ўлим муаммосининг бадиий-фалсафий мушоҳадалари ҳақида баҳс юритилади. Ботир фирқа мисолида ёзувчининг олам ва одам, жамият ва шахс масаласига оид фалсафий қарашлари акс этган. Романдаги Ботир фирқа образи XX асрнинг раҳбар ходими ва зиёли одами сифатида гавдаланган. У бир неча даврларнинг тирик гувоҳи. Чунки Ботир фирқа рамзий образ. У – даврнинг ўзи, даврларни ўзида мужассамлаштирган қаҳрамон. Шу боис давр оғриқларини бошқалардан кўра кўпроқ ҳис қилади. Аммо у мустабид тузум ҳалокатидан сўнг аросатда қолган инсон. У ўлим ва тириклик чегарасида сарсон. Ёзувчи Ботир фирқани тўлалигича, инсоний фазилатлари ва камчиликлари билан кўрсатади. Романда ўлим одамлар қисматидаги битик эканлиги таъкидланса-да, асарнинг охирида ўлим Ботир фирқа мушоҳадалари тарзида фалсафий тус олади. Роман воқеалари XX асрни деярли қамраб олади. Асар воқеалари сўнгида қаҳрамон руҳиятидаги ўзгаришлар кескинлашади. Ўлим – одамзодни турмуш ташвишларидан халос қилувчи, ўзи билан ёлғиз қолдирувчи, унда ўзгариш ясовчи азалнинг мутлақ қонуни. Бир марҳумнинг маросимидаги ҳолатлар Ботир фирқани тамомила саросимага солади. Шу дамдан бошлаб қаҳрамон учун босиб ўтилган йўл ўзининг маъносини йўқотади. Ботир фирқанинг эндиги ҳолати жуда кўп талқинларга асос беради. Унда инсон мавжудлигининг экзистенциал кўринишлари ҳам, маънисиздек ниҳояланаётган куннинг абсурд лавҳалари ҳам, Яратганни танишга томон интилаётган кўнглининг синергетик ҳолатлари ҳам акс этган. Аммо ҳамма талқинлардан мурод – инсонни англаш. Тоғай Мурод Ботир фирқанинг ўй- фикрлари силсиласини кадам-бақадам тадқиқ қилар экан, инсон туғилиш ва ўлим оралиғида синовга маҳкум эканлигини шарт қилиб қўяди.

XX аср адабиётини таҳлил қилар эканмиз, биргина асрда тизимнинг икки бор ўзгарганига ва ҳар сафар бу ўзгариш қурбонлар талаб қилганига гувоҳ бўламиз. XX асрнинг 30-йилларида битилган “Сароб” романи даврнинг кескин ўзгаришга учраши қандай оқибатларга олиб келишини Саидий ва маслакдошлари мисолида очиқ берган бўлса, XX аср охиридаги эврилишлар Ботир фирқа кечмиши ва кечинмалари мисолида ўзининг бадиий ифодасини топган. Демак, ёзувчи қай бир маънода даврга адабий қаҳрамонлари ҳаёти орқали ҳукмини чиқаради. Агар ёзувчи ҳаёт ва ўлим муаммосини коммунистик руҳда тарбия топган инсонга хос тушунча сифатида берганда, асарнинг бадиий қимматига путур етган бўларди. Коммунистик ғоя худосизликни тарғиб қилувчи ғоя эди. Худо тан олинмаган ерда ўлим ҳақида гапириш мумкин эмас.

ХУЛОСА

1. Ҳаёт ва ўлим муаммосини адабий эстетик категория сифатида кўриб чиқиш, аввало, ўзбек адабиёти тарихини инсоний эътиқод ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар нуқтаи назаридан даврларга ажратиб ўрганишни тақозо қилди.

2. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи намуналарида инсоннинг ўлимга муносабати турлича акс этди. Буддавийлик динига оид адабий намуналар таносух назариясининг юзага келишига сабаб бўлди. Монийлик дини намуналарида инсоннинг ўлимга ва Яратганга муносабати ўзларининг гуноҳкорлиги нуқтаи назаридан талқин қилинди. Шунинг учун бу давр адабиётида тавба мотиви асосий ўрин тутган.

3. Ислom дини таъсирида шаклланган давр адабиётида эса асосий эътибор комил инсон масаласига қаратилган. Инсоннинг комиллик даражасини руҳоний ва дунёвий сафарда нафс билан курашуви белгилаган. Ҳаёт ва ўлим муаммосининг бадииятдаги ечими нафсни енгишнинг ечимига асосланган.

4. XX аср бошларида, хусусан, жаҳид адабиёти намуналарида ҳаёт ва ўлим муаммоси ижтимоий-психологик мазмун касб этди, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ижтимоий концепция даражасига кўтарилди. Концепция асосида таълимни янгилаш, ижтимоий онгни ўзгартириш, бунда маърифатнинг ўрнини белгилаш ҳаёт ва ўлим муаммоси даражасига кўтарилди.

5. XX аср насрида ҳаёт ва ўлим масаласи тағқатламли маъно касб этди. Бадиий адабиётда қаҳрамон ўлими тасвири ҳамиша ҳам ижодкор эркинлиги билан юзага чиқмади. Балки қаҳрамон ўлимида мафкуранинг тантанаси зуҳур бўлди. Соцреализмнинг ижодкор туйғуларини жиловлашга уриниши оптимистик трагедиянинг юзага келишига туртки бўлди.

6. Ўлим тасвири билан боғлиқ зиддиятли ҳолатлар XX асрнинг 20-30-йилларида ёрқин тасвирланди. Бу даврда ўлим асарнинг ечими сифатида поэтик восита вазифасини ҳам бажарди. Хусусан, асар кульминациясини белгилаш, ижтимоий муаммоларни бўрттириб тасвирлаш зарурати етакчи қаҳрамонлар ҳаётини аксар ҳолларда ўлим билан ниҳоялашга олиб келди.

7. Шўро даври адабиёти намуналари таҳлиллари яна шуни кўрсатдики, худосизлик тарғиб қилинган жамият охир-оқибат ўз Яратувчиси томон интила бошлади. Унинг акс-садоси бадиий адабиётда бўй кўрсатди. Шу тариқа шўро даври адабиёти ўз ўрнини янги давр адабиётига бўшатиб берди.

8. Мустақиллик даври насри китобхонга ҳаёт ва ўлим муаммоси моҳиятини англатишда масаланинг табиий-биологик ва миллий-исломий талқинларига, шунингдек, ижтимоий-психологик жиҳатларига урғу берди. Бу эса персонаж ички оламини тадқиқ қилиш имконини яратди.

9. Абдулла Қодирий ҳаёт ва ўлим оралиғидаги қаҳрамон қисматини соф исломий талқинлар асосида кўрсатиш йўлидан борди. Чунки ёзувчи яшаган муҳитда бундай талқин мавжуд ғояларга қарши курашувнинг ўзига

хос усули эди ва адиб тутган позицияга кўра адабий қаҳрамонлар тақдири шундай талқинни тақозо қилар эди. Инсон эрки поймол этилган тузум тасвирида ёзувчи маълум маънода ўзи яшаб турган муҳитдаги норасоликларни ҳам назарда тутди. Публицистикага сиғмаган фикрлар романлар шаклида, адабий қаҳрамонларнинг мураккаб тақдири орқали акс эттирилди.

10. “Сароб” романидаги етакчи персонажларнинг деярли барчаси фожеий қисмат эгаларидир. Роман муаллифи замонавий жаҳон адабиёти даражасида туриб персонажлар фожиасининг илдизларини турли ракурслардан ёритган. Шахснинг маънавий инқирози фақат ижтимоий омиллар оқибати эмас, балки шахс табиатидаги ожизликлар билан ҳам боғлиқ. Шу сабабдан уни фелъюрстик қаҳрамон деб аташ мумкин. Саидий фожиаси эгоистик-аномик худкушликни юзага келтирди.

11. “Сароб” қаҳрамони фожиасини унинг табиатига боғлаб ўрганиш романга бағишланган тадқиқотларнинг вульгар-социологик, ижтимоий-психологик, аналитик талқинлари билан баробар эгоистик-аномик худкушликка оид қарашлар ва танатопсихологик талқинлари билан ҳам бойиди. Саидий фожиасини келтириб чиқариш ёзувчининг асосий ғояси бўлган деган фикрларга қарши ўлароқ ёзувчининг пировард мақсадига зид келган ижодкор онг ости ҳолатлари билан боғлиқ ҳодиса талқин марказида туради. Шу боис асар турли талқинларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

12. “Улуғбек хазинаси” романи ҳаёт ва мамот муаммоларининг трагик талқинларига бағишланган. Мирзо Улуғбек ва Абдуллатиф ўртасидаги конфликт оталар ва болалар муаммоси адабиётшуносликда ўзига хос мавзу эканини кўрсатади. Ўлим мавзуси Улуғбек ва Абдуллатиф фожиаси ва умр хотимасини белгилашда мезон бўлди. Шу тариқа улуғворлик ва тубанлик деб аталмиш категория яна бир талқин билан бойиди. Айни вақтда ўлим дунёвий фожианинг интиҳоси ўлароқ тақдим этилди.

13. О. Ёқубов романда, асосан, Абдуллатиф фожиасининг омилларини босқичма-босқич таҳлил қилиб берди. Унинг руҳий хасталикка чалинишида Улуғбекнинг шахсий муносабати муҳим ўрин тутганлиги далилланди. Номувофиқ тизим ўз эгаларини маҳв қилиши Улуғбек ва Абдуллатиф қисмати мисолида ифодаланди. Шу билан бирга, ўлимолди ҳолатларида кўрқув масаласи чуқур таҳлил қилинди. Ҳеч бир таҳдид инсон ўз кўрқуви олдида ожиз қолишидай таъсирга эга эмаслиги Абдуллатиф қисмати орқали ёритилди. Тадқиқотда ўлимни ўзига қабул қилаётган одамнинг руҳий ҳолатлари ифода этилди. Маълум бўлдики, дин ва эътиқодидан қатъи назар инсон ўлимни оддий зарурат каби қабул қила олмайди. Чунки ўлим инсон ҳаётидаги биринчи ва охири тажриба ҳисобланади.

14. Одил Ёқубов ғоясига кўра “Кўҳна дунё” романи қаҳрамонлари айни бир муаммо – инсоннинг ҳаёт ва ўлимга муносабати нуқтаи назаридан тўкнаш келадилар ва ёзувчи бу муносабатни ҳукмдор, олим ва табиб нигоҳидан ўтказди. Маҳмуд Ғазнавий Беруний ва Ибн Сино ҳаётининг қай бир нуқталарини туташтирган. Бошқа бир ҳолатда ҳам Беруний ва ибн Сино

ўзаро баҳс-мунозара олиб боришлари мумкин эди. Лекин ёзувчи уларни ўта танг вазиятда учраштиради ва ўлим хавф солиб турган лаҳзада персонажларнинг ўлимга муносабатини кўрсатади. Маълум бўлдики, инсон тафаккурнинг қай жабҳасида турмасин, ўлим ҳақида узил-кесил фикр айта олмайди. Ёзувчининг муддаоси ҳаёт ва ўлим оралиғида тебранаётган инсон руҳиятидаги пўртаналарни очиш ва илм аҳллари мисолида ўлимни маҳв этиш, ҳукмдор мисолида эса ўлим инсонни маҳв этишининг бадий талқинини беришдан иборат эди.

15. Мустақиллик даври насрининг эркин табиати танатопсихологик талқинларга асос берди. Шунингдек, ҳаёт ва ўлим муаммоси моҳиятини англаштида масаланинг табиий-биологик ва миллий-исломий талқинларига, ижтимоий-психологик жиҳатларига урғу берди. Бу эса персонаж ички оламини тадқиқ қилиш имконини берди. Турли адабий тажрибалар уйғунлиги натижасида юзага келган асарлар ҳаёт ва ўлим бобида турфа хил қарашларнинг синтезини берди. Ҳаёт ва ўлимни англаш, уни талқин қилишда шахс яшаётган жамият билан баробар ундаги диний эътиқоднинг ҳам аҳамияти катта эканлиги аниқланди. Шахснинг ижтимоийлашуви ва ўз табиатидан бегоналашиб бориши уни турли фожиаларга гирифтор қилиши мумкинлиги англашилди. Айни вақтда ўлим руҳий поклов вазифасини ҳам бажардики, буни ўзligидан айрила бораётган инсоннинг нажот йўли деб тақдим қилинди.

16. XX аср ўзбек насри, хусусан, “Ўткан кунлар”, “Сароб”, “Улуғбек хазинаси”, “Кўҳна дунё”, “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романлари ҳаёт ва ўлим муаммосининг бадий талқинлари жиҳатидан кўп асрлик миллий адабиёт, қолаверса, жаҳон адабиёти тарихида ўзига хос ноёб ҳодисадир деб хулоса чиқариш учун тўла асос беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 27.06.2017.Fil. 46.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ЯЗЫКА, ЛИТЕРАТУРЫ И
ФОЛЬКЛОР АН РУЗ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ НИЗАМИ**

ХАМРАКУЛОВА ХУРШИДА КУВВАТОВНА

**ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ТОЛКОВАНИЕ ПРОБЛЕМЫ ЖИЗНИ И
СМЕРТИ В УЗБЕКСКОЙ ПРОЗЕ XX ВЕКА**

10.00.02 – Узбекская литература

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА
ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Ташкент – 2018

Тема докторской диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.1.DSc/Fil19.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете имени Низами.

Автореферат диссертации на трёх (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу www.til-adabiyot.fan.uz и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet по адресу www.ziynet.uz.

Научный консультант: **Норматов Умарали,**
доктор филологических наук, профессор,

Официальные оппоненты: **Курунов Дилмурод Хайдаралиевич**
доктор филологических наук, профессор
Умунов Хотам Икромович
доктор филологических наук, профессор
Каримов Баходир Нурметович
доктор филологических наук

Ведущая организация: **Ферганский государственный университет**

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней при Институте узбекского языка, литературы и фольклора АН РУз за номером DSc. 27.06.2017.Fil. 46.01 «__» _____ 2018 года в ____ часов. (Адрес: 100060, Ташкент ш., проезд Шахрисабзский, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: uztafi@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии наук Республики Узбекистан (Зарегистрирована за номером). Адрес: 100100, г. Ташкент., улица Зиёлилар, 13. Тел.: (99871) 262-74-58).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.

(Протокол рассылки от «__» _____ 2018 года)

Б.А.Назаров
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филол.наук, академик

Р.Баракаев
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.ф.н.

Н.Ф.Каримов
Председатель Научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор.филол.наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы. В мировом литературоведении усиливаются новый подход к изучению художественных произведений, исследование и объективное освещение проблем, связанных с историей искусства слова, изучение художественного текста не только в рамках специфических вопросов, а в разрезе философских, социальных, психологических проблем, изучение определенных художественных произведений с различных ракурсов. Одним из таких актуальных вопросов является и проблема жизни и смерти. Жизнь человека, окружающий его мир, его отношение к миру – уже не новость, однако проблема отношения человека к смерти была дискуссионной во все времена. Как стало известно, задолго до начала толкования в художественном произведении мыслей о смерти, представления человечества о смерти отражались в той или иной форме. Литературно-эстетическое исследование художественного произведения обуславливает изучение этой проблемы как литературно-эстетической категории.

Проведение в мировой литературе и философии научных конференций, симпозиумов, проведение исследований, посвященных жизни, смерти и её сути определяют глобальный характер данной проблемы. Неизученность художественных произведений, ставших основой проведения множества фундаментальных исследований, с точки зрения проблемы жизни и смерти доказывают актуальность выбранной темы, а изучение этой проблемы в узбекском литературоведении в качестве категории служат обновлению качества литературно-эстетических категорий. Изучение проблемы жизни и смерти в различных науках с различных ракурсов доказывает возможность решения множества проблем под этой темой, следовательно, эта тема может заложить основу многим научным направлениям. В качестве примера можно привести такие направления, как танатология и биоэтика. Различные толкования проблемы жизни и смерти, которая составляет отдельную страницу в развитии науки и культуры XX века, может положительно повлиять на процессы интеграции между науками.

В годы независимости в узбекском литературоведении наряду с существующими научными традициями сформировались принципы новых творческих подходов и использования их в исследованиях. “Узбекистан должен быть конкурентоспособным в мире в области науки, интеллектуального потенциала, современных кадров, высоких технологий”¹, что несомненно ставит перед литературоведением задачи разработки теоретических основ на уровне мировых стандартов. С этой точки зрения, изучение проблемы жизни и смерти в литературоведении в качестве литературно-эстетической категории определяет актуальность данного исследования. Изучение нами данной проблемы не в качестве

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декбрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23декабрь. - №258(6952).

лингвистического концепта, а как литературно-эстетической категории определяется тем, что нами охвачены такие стороны проблемы жизни и смерти, как её вариабельность, развитие, взаимосвязь и взаимообусловленность, общие и отличительные стороны проблемы. Наличие в узбекской литературе XX века произведений, где раскрываются корни трагедии личности и предсмертная агония человека даёт возможность основательного изучения данной проблемы. С этой точки зрения на основе сравнительного анализа литератур советского периода и эпохи независимости доказано, что изучение человеческих, естественных проблем, связанных с жизнью, судьбой, личностью, психологией человека, являются особенностями современного национального литературного процесса. Кроме того, наличие созидательных и разрушительных сил в природе человека в рамках категории жизни и смерти, его генетических и психологических корней, взаимоотношений личности и общества, человека и среды, роли социальных отношений в психологических изменениях, факторов, влекущих к самоубийству и отцеубийству ещё больше повышают актуальность проблемы.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, обозначенных в Указе Президента Республики №-4797 “Об организации деятельности Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои” от 13 мая 2016 года, №-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, Постановлений Президента Республики Узбекистан №ПП-2789 “О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности” от 17 февраля 2017 года, №ПП-3271 “О программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения” и других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии Республики Узбекистан I “Социальное, правовое, экономическое, культурное, духовно-нравственное развитие информатизированного общества и демократического государства, развитие инновационной экономики”.

Обзор международных научных исследований по теме диссертации. Насколько бы древней не была проблема философского толкования жизни и смерти и особенностей его репрезентации в художественной литературе, данный вопрос до сих пор привлекает многих зарубежных исследователей. В частности, проблемы жизни и смерти изучаются в University of California, University of Indiana, University of Michigan, Harvard University, Emory University (США), Istanbul Üniversitesi, Ankara Üniversitesi (Турция), Universität Humboldt,

Univercität Bonn, Univercität Frie (Германия), Российском государственном торгово-экономическом университете, Елецком государственном университете имени И.А. Бунина (Россия), University of Helsinki (Финляндия), Tokyo University (Япония), The Humanities Research Centre of the University of Warwick (Великобритания), Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Ташкентском государственном педагогическом университете имени Низами (Узбекистан) и других.

В мировом литературоведении, философии и социологии в разных аспектах изучается проблема жизни и смерти. Докторская диссертация Л.Е. Балашова “Жизнь, смерть, вечность”, где смерть и приводящие к ней социальные факторы рассмотрены с точки зрения категории вечности, посвящена исследованию триединства «жизнь – смерть – бессмертие», толкованию бессмертия в различных мировых религиях, проблеме смерти в философии, антифилософии и антикультуре (Российский государственный торгово-экономический университет); в исследовательских работах, включённых в сборник “Смерть в литературе” под редакцией Nakola O. J. и Kivistö на примере европейской литературы освещены такие проблемы как жизнь, жизнь и бессмертие, картины смерти, самоубийство и эвтаназия (безболезненный уход из жизни) в литературе, смерть как незавершение (University of Helsinki, Finland); японский учёный Mitsuyoshi Numano в исследовании «Жизнь и смерть в русской литературе» изучил вопросы влияния произведений Ф.Достоевского “Идиот” и “Братья Карамазовы” на художественное толкование жизни и смерти в японской литературе (Tokyo University, Japan); в сборнике “Репрезентация смерти в литературе и культуре Америки в XIX века Америки (The Humanities Research Centre of the University of Warwick, Великобритания).

В последнее десятилетие XX– в XXI вв. проводится множество исследований в философии, психологии, социологии, антропологии, медицине, культурологии, этнологии, этнографии, языкознании и литературоведении о проблеме жизни и смерти. В частности, проводятся такие исследования, как: толкование и оценка проблемы жизни и смерти в лингвистике как концепта (лингвистика), исследование произведений определенных писателей в разрезе данной проблемы и определение концепции писателя (литературоведение), толкование смерти как философской категории, выявление роли смерти в жизни человека (философия); на примере мифов и обычаев выявляется отношение человека к смерти, осуществляется освещение смерти как феномена и концепции (этнография, этнология и культурология), обеспечение вечности данной темы на основе энциклопедического изучения смерти и влекущих к нему факторов (социология). Исследования XX – XXI века, научно-теоретические опыты способствуют изучению проблемы жизни и смерти в узбекской прозе XX века и определению особенностей данной проблемы.

